

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашиёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир:

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар:

Шералиева Ж.

Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишига руҳсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фаргона,
2021.

М.Ражабова

Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши 74

Н.Шарафиддинова

Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети 79
ТИЛШУНОСЛИК

М.Абдуллаттоев

Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура 87

М.Турдибеков

Конибодом тумани макро ва микро топонимлари 92

М.Усманова

“Кўхна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари 96

М.Иброхимова, Т.Алимов

Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик соғлигини сақлаш 99

М.Мадаминова

Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши 104

С.Ҳабибуллаева

Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти 111

А.Уралов

Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция 115

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Р.Сафарова**

Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари 120

Э.Мирзажонова

Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида 124

М.Туйчиева

Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари 129

ИЛМИЙ АХБОРОТ**М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов**

Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришлашнинг жадал технологияси 134

Р.Пирназаров

Қурбонқўл қулама тўғонининг фильтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш 137

Б.Холматова

Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи 140

Н.Собиров, С.Исройлова

Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари 144

М.Болтабоев

Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи 147

Д.Абдуллаев

Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти 150

Н.Исройлов

“Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хурсоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши 154

А.Мусаев

XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш 159

С.Ҳамрақулов

“Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши 163

“КЎХНА ДУНЁ” АСАРИДА ҚЎЛЛАНГАН АРАБИЙ ВА ФОРСИЙ ИЗОФАНИНГ
ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АРАБСКИХ И ПЕРСИДСКИХ ИЗОФ,
ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В «КУХНА ДУНЁ»

LINGUISTIC FEATURES OF THE ARABIC AND PERSIAN ISOPHAS USED IN THE “OLD
WORLD”

Усманова Мухаббат¹

¹Усманова Мухаббат

– Фаргона давлат университети ўзбек
тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё” асарида қўлланилган арабий ва форсиј изофалар ҳақида сўз боради.

Аннотация

В статье идёт речь об арабских и персидских изафетах, использующийся в произведении Адыла Якубова «Кухна дунё».

Annotation

This article discusses the Arabic and Persian izafet, used in Odil Yakubov's "Old World".

Таянч сўз ва иборалар: изофа, изофиј биримка, аниқлик артикли, аниқланмиш, аниқловчи, лексик қатлам, ўзлашма.

Ключевые слова и выражения: изафет, изафетное сочетание, определённый артикль, определение, определяемое слово, лексический слой, заимствованное слово.

Key words and expressions: izafet, compound, definite article, definite, definded word, lexical layer, borrowing word.

Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё” асари форсиј ва арабий изофали бирималар қўлланилган жумлаларга бой асарлар сирасига киради. Араб изофали бирималари билан форс изофали бирималари улар орасидаги изофалик белгиларига кўра фарқ қиласди (араб изофасида –ул, -ал, -ил, форс-тохиж изофасида -й, -и). Араб ва форс – тохиж изофали бирималари орасидаги бу яқинлик таъсирида баъзан араб изофаси шаклида қўлланилган ҳолатлар ҳам учраб туради. Масалан: тавқ-ул-лаънати – тавқи лаънат”[2, 50]. Маълумки, арабча изофали конструкцияларнинг изофалик белгиси (индикатори) ҳар икки компонент ўртасида учрайдиган –ал аниқлик артиклидир. Бу артикл ўзбек тилида асосан –ул, баъзан –ил, -ал шаклида учрайди. Лекин аниқловчи шамсий ҳарфлардан мбири билан боғланган бўлса, изофа кўрсаткичи –ал (-ул, -ил) эмас, балки –а (-у, -и) товушларидан кейинги товушни иккилантириш билан ҳосил қилинади.

Асарда арабий изофага оид мисоллар унчалик кўп эмас. Масалан:

“Шоирнинг асл исми – Қутлуғқадам. Аммо ҳеч ким буни билмайди. Ғазнада у **Малик уш-шароб**, авомчасига эса **Маликул шароб**, яъники, **ғарib майхорлар** султони деган ном билан маълум ва машҳур”[5, 5].

Жумладаги **малик уш-шароб** сўзлари изофиј биримка бўлиб, уларни ўзаро боғловчи **ул** изофа кўрсаткичидан кейин келган ҳарф шамсий ҳарфларга тегишли бўлгани учун, **ал** (ул) артиклидаги лом ҳарфи талаффуз этилмай, ундан кейинги ҳарф ташдид билан, иккилантириб ўқилмоқда.

“Ғарib кулбаси эса, гарчи султон Махмуд Ғазнавий қасрлар билан тенглаша олмаса ҳам, довруғи бутун **дорус-салтанатга** (пойтахтга) кетган” (Кўхна дунё, 5-бет)

Жумладаги **дорус-салтанат** изофиј биримка бўлиб, **дор-эшик ва салтанат-салтанат** бўлиб, бу икки сўзни ўзаро боғловчи ал- аниқлик артиклидан кейинги биринчи ҳарф шамсий ҳарф бўлгани сабабли, артикл **ус** тарзида ўқилади. Ушбу изофиј биримани қўйидаги жумлада ҳам кўриш мумкин.

ТИЛШУНОСЛИК

“Мана, бир неча ойдирки, **дорус – салтанат** Ғазна, наинки Ғазна, бутун мамлакат нотинч” (Кўхна дунё, 34-бет)

“Машшоқлар даврасидаги сеторчи, шунчаки сеторчи эмас, балки Вобо Сеторий деб чақирилади, ғижжакчиси оддий ғижжакчи эмас, пири Ғижжакий, ҳофизи шунчаки ҳофиз эмас, Бобо Ҳофиз, Булбулий, сшоир бўлса назм аҳлининг султони ёхуд **маликул калом** деб аталади”.(Кўхна дунё, 5-бет)

Жумладаги **маликул калом** изофий бирикма бўлиб, “сўз султони” дея таржима қилинади. Маликул калом изофий бирикмаси қуидаги жумлаларда ҳам иштирок этган. Эркин Худойбердиев ўзининг “Адабиётшуносликка кириш” дарслигига шоир Лутфий ҳақида шундай ёзади: “Алишер Навоий шоир Лутфийни “Малик ул - калом” (“Сўз шохи”) деб алқади”[4,18].

“Ёшлиқда ариз жанобларининг саройида бўлган гулгун ўтиришлару, бу ўтиришларни безаган мутриблар, **маликул каломлар!**” (Кўхна дунё, 196-бет)

“Муродим – ул **маликул калом** Абулқосим Фирдавсий ҳазратларининг мақбарамасига мармар сағана ўрнатиб, таваллуд топган шахрига яна бир **масжиди жоме** курдирмоқдир!..”(Кўхна дунё, 207-бет)

Охириги мисолда келтирилган **масжиди жоме** форсий изофага мисолдир.

“...бироқ сурма тортилган қийғоч кўзларида, қаттиқ қисилган юпқа лабларида ўша шиддат, оғаси **амиралмӯъмининг** хос ўша совуқ бир ўқтамлик бор”. (Кўхна дунё, 27-бет)

Ушбу изофий бирикма асарда кўп учрайди. Масалан: **“Амирал мӯъминин** атальмиш Султон Маҳмуд Ғазнавий тўғрисида совуқ мишишларнинг чеки йўқ” (Кўхна дунё, 34-бет)

“Агар бу дард чиндан ҳам бедаво бўлса, унда **амиралмуслимин** атальмисш гуноҳкор бандангнинг қирқ йиллик тоат-ибодатидан не фойда?” (Кўхна дунё, 48-бет). Жумладаги **амиралмуслимин** сўзи ҳам арабий изофа бўлиб, амиралмӯъминин сўзининг синонимидир, яъни “мусулмонлар амири”.

“Бу нидо сехридан биринчи бўлиб **қозиул қуззот** (бош қози) ҳазратлари хушига келди” (Кўхна дунё, 96-бет)

Асарда форсий ўзлашмалар талайгина бўлиб, асар таркибидаги ўзлашмаларнинг асосий қисмини ташкил қиласади. Масалан:

1) мутлақ ҳукмдор ёки мансаб тушунчасини ифодаловчи сўзлар (**алломаи даврон, мавлонаи замон, маликул калом, пошшойи олам, ҳакими даврон, ҳакими ҳозик**)

2) жой номларини ифодаловчи сўзлар (**Ғазнаи манаввара, Бухоройи шариф, кулбаи вайрона, шаҳри Тус**)

3) боғ номларини ифодаловчи сўзлар (**Боғи Феруз, Боғи Маҳмур, Боғи Маҳмуд**)

4) илм-фанга оид сўзлар (**илми нужум, илми риёзат**)

5) меваларни ифодаловчи сўзлар (**меваи бадҳазм, неъмати илоҳий**)

6) қуий табақа кишиларини ифодаловчи сўзлар (**бандай ногирон, хастай нотавон, бандай ожиз**)

Мумтоз ўзбек адиллари, шу билан бирга бир қатор замонавий ўзбек адабиёти вакиллари асарларида мутлақ ҳукмдор тушунчасини ифодаловчи бир қанча сўзлар мавжуд бўлиб, улар ёзилган асар ёки воқеалари баён қилинаётган давр, муаллифнинг ўзига хос услуги ва бошқа жиҳатларни эътиборга олган ҳолда бир-бирига маънодошҳ сифатида, айрим ўринларда эса фарқланган ҳолда ишлатилган. Хусусан, Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё” асарида мазкур тушунчани ифодаловчи сўзлар **шоҳ, пошишҳо, малик, султон, ҳоким, амир, вазир, соҳиб, фотих, тақсир** ва бошқа сўзлар ишлатилганини кўрамиз.

Юқорида айтиб ўтилганидек, аниқловчи ва аниқланмиш, қаратқич ва қаралмиш ўртасидаги муносабат араб ва форс-тоҷик тилларида изофа деб номланувчи синтактик конструкция орқали ифодаланади. С. С. Майзелнинг фикрича, бу атамани туркий тилларга ҳам қўллаш мумкин ва унинг ўрнига бошқа терминни қўллашга ҳожат йўқ [1, 25]. Ҳозирги ўзбек адабий тилида арабсча ва форс – тоҷикча изофали бирикмалар яхлит ҳолда ишга солинади. Ва идиоматик-фразеологик характерга эга бўлиб, компонентларнинг асл маъноси бутунича ёки қисман кўчган.

Профессор Ф.Абдуллаев ва Д.Эшондадаев ҳозирги ўзбек адабий тилидаги 200дан ортиқ тожикча изофиий бирикмани таҳлил қиладилар ва ўтмишга қараб борган сари ёзма адабий тилимизда изофали бирикманинг ҳажми, миқдорий нисбати кўпайиб бориши ҳақида эслатиб ўтадилар. Алишер Навоий замонасида ёзма адабий тилда араб ва форс-тожик тилларидан олинган лексик қатламнинг миқдорий нисбати 60%га борар эди. Шунингдек, бу тилларнинг кўпгина грамматик элементлари ҳам анча эркин ишга солинар эди [2, 103].

Ўзбек тилига тожик тилидан ўтиб ўзлашган изофиий бирикмани ташкил этувчи қисмлар фақат тожикча, арабча сўзлардан иборат бўлиши мумкин. Шунингдек, изофиий бирикмалар тожикча – арабча, арабча – тожикча каби ҳолларда ҳам учрайди. Масалан, таркиби тожикча сўзлардан иборат

бўлган изофиий конструкцияларга қуйидагиларни киритиш мумкин: *обидийда, кони зиён, базми жамшид, хонаи хурсҳид, бозоршаб, астойдил, шоҳи жаҳон* ва ҳоказо; фақат арабча сўзлардан иборат бўлган изофиий бирикмалар: *ҳусни жамол, айни муддао, соҳибжамол, ийди рамазон, амри маҳруф, аксари вақт* ва ҳоказо; тожикча – арабча сўзлардан иборат бўлган изофиий конструкциялар: *дарди бедаво, хонаи олам, чархи фалак, боғи эрам* ва ҳоказо; арабча – тожикча сўзлардан иборат изофиий бирикмалар: *куррайи замин, нури дида, садқаи сар, саҳар мардон, фасли баҳор, балойи ногаҳон* ва ҳоказо.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Одил Ёкубовнинг “Кўхна дунё” асарида арабий ҳамда форсий изофаляр иштирок этган жумлалар кўп учрайди. Бу эса асарнинг бадиий қимматини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Майзель С.С. Изает в турецком языке. - М.: Издательство АНССР, 1957.
2. Омонов М. “Бобурнома”да қўлланилган изофиий бирликлар хусусида, Ўзбек адабиётшуносликнинг долзарб масалалари, -Фарғона, 2006. (Ф.Абдуллаев, Д.Эшондадаев. Ўзбек тилида тожикча изофали бирикмалар // Ўзбек тили ва адабиёти. -1973 йил, 1-сон.
3. Омонов М. Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари, 2006. 104-б (Навоийнинг прозаик асарларида арабча изофали конструкциялар// Ўзбек тили ва адабиёти, 1983 йил, 1-сон.
4. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Т., 2003.
5. Ёкубов О. Кўхна дунё. -Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2013.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).